

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ИШ КУНЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Бахриддинов Н. С., Мамадалиев А. Т

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
Ўзбекистон Республикаси, Наманган ш, И.Каримов кўчаси, 12-уй*

Аннотация: Меҳнат шароитлари ва иш унумдорлигини таҳлил қилиш натижасида ишловчининг ақлий ҳамда физиологик жиҳатдан ишлаши, бу меҳнат турлари унинг иш қобилиятларини белгилаши, ақлий меҳнат ортиб кетиши билан ҳаттоки жисмоний ҳаракатларнинг кўпайиши, бунинг натижасида тўғри фикр юрита олмаслик, толиқиш оқибатида ишчининг меҳнат қобилияти пасайиш ҳолатларининг кузатилиши баён этилган.

Калит сўзлар: руҳият, психологик омиллар, ақлий меҳнат, физиологик меҳнат, ишчи, эргономика, толиқиш, ҳафтанинг иш кунлари, бошқарувчилик меҳнати, тежамкорлик, тўғри қарор, таъсирчанлик, мия қобиғи, сўров усули, психологик ўқитиш.

Annotation: As a result of the analysis of working conditions and labor productivity, mental and physiological work of the worker, it was determined that these types of labor determine his working abilities, with an increase in mental work, the number of physical movements even increases, on this the articles are equipped with the result of the inability to think correctly, observations of cases when The worker's ability to work is reduced due to fatigue.

Key words: psyche, psychological factors, mental work, physiological work, worker, ergonomics, fatigue, working days of the week, managerial work, frugality, correct decision, affectivity, cerebral cortex, survey method, psychological training.

Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш эргономиканинг асосий мақсадларидан биридир. Илмий-техникавий ривожлантириш шароитида, замонавий касбий фаолиятнинг барча турларида ижодкорлик элементларининг ўрни ортиб боради. Барча касбларда, айниқса жисмоний меҳнатда ақлий меҳнат улуши ортиб бораяпти. Бу эса ақлий ва жисмоний меҳнат орасидаги чегаранинг йўқолишига олиб келади.

Ақлий меҳнат маълумотларни қабул қилиш ва ишлаш, диққатни, хотирани, шунингдек, ҳиссиёт доирасида фикрлаш жараёнларини фаоллаштириш билан боғлиқ ишларни жамлайди. Бундай меҳнат жараёнининг энг муҳим томони фикрлаш асосида ишлаб чиқаришда вақт, масофа ва энергия тежамкорлигига эришиш имконияти яратилади. Ақлий меҳнат шакллари бошқарувчилик, бошқариш ижодий меҳнат, тиббий ходимларнинг меҳнати, ўқитувчиларнинг меҳнати, ўқувчи ва талабалар меҳнатига бўлинади. Келтирилган меҳнат шакллари меҳнат жараёнининг ташкил этилиши, юкланганликнинг мароми билан фарқланади.

Бошқарувчилик меҳнати – бу назорат қилиш йўналишини ўз ичига олган ҳолдаги ҳозирги кунда машиналар ишини назорат қилиш соҳаси бўлиб ҳисобланади. Буни янада мазмунига эътибор берилса, механизатциялашган ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Бошқарувчилик иши катта жавобгарликни талаб этади.

Ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари меҳнати ҳар доим одамлар билан мулоқотда бўлишлик, юқори даражадаги жавобгарлик, тўғри қарор қабул қилишда маълумотлар ва вақтнинг етишмаслиги билан фарқланиб, таъсирчанликни оширади.

Ўқувчи ва талабалар меҳнати хотира, диққат, ўзлаштириш каби асосий руҳий функцияларнинг таъсирчанлиги билан тавсифланади. Ақлий фаолият миянинг маълум нейродинамик ва нейрофизиологик ҳолатларида намоён бўлади. Мия қон айланиши кучаяди, асаб толаларининг энергетик

алмашинуви ортади, мия биоэлектрик фаоллигининг кўрсаткичлари ўзгаради. Ақлий фаолиятнинг жадаллашуви натижасида миянинг қувватга бўлган талаби ортади. Бунда 100 г бош мия қобиғи шу оғирликда скелет мускулига нисбатан 5-6 баробар ортиқ кислород талаб этар экан.

Ақлий иш вақтида умумий қувват сарфининг ошиши таъсирчанлик даражаси билан аниқланади. Ақлий меҳнатда суткалик қувват сарфи 10,5 – 12,5 МЖ. ни ташкил этади. Аммо айрим ақлий фаолият шаклларида қувват сарфининг ортиши ҳар хил бўлади. Яъни, ўтирган ҳолда овоз чиқариб ўқишда қувват сарфи 48 % га, омма олдида маъруза ўқиганда 94 % га, ҳисоб машиналари бошқарувчиларида эса 60- 100 % га ортади. Булардан кўришиб турибдики, инсон меҳнат шароитлари таҳлили асосида иш жойи ҳавоси таркибидаги кислород миқдорининг умумий кўрсаткич мьёрига кўра 21 % бўлишини таъминлаш керак. Акс ҳолда миянинг кислород билан таъминланиш даражаси пасайиб, ақлий меҳнатнинг самараси пасайиши кузатилади.

Жисмоний меҳнатнинг қўл меҳнат турида инсоннинг толиқиши таҳлил қилиб кўрилганида, бу биринчидан, ақлий толиқиш, иккинчидан эса физиологик толиқиш турлари амалда кўринади. Шунинг учун ҳам оқилона меҳнат ва дам олиш тартибини олдиндан ишлаб чиқиш талаб этилади. Айнан шу тартибни ишлаб чиқишда, мия дам олиш вақтида белгиланган йўналишда фикрлаш фаолиятини давом эттиришни ҳам инobatга олиш керак. Ақлий иш фаолиятдан сўнг, ишнинг “Хукмронлик ғояси” тўлиқ сўнмайди, шунинг учун ҳам жисмоний ишга нисбатан ақлий толиқиш кўпроқ бўлади.

Меҳнат психологияси – инсон шахсияти ва руҳий фаолиятининг ўзига хос хусусиятини меҳнат жараёнида ўрганувчи фан тармоғидир. Меҳнат психологияси қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ривожланади:

— меҳнат жараёнини ташкил этиш – меҳнатни рационалaцилаш масалалари, уни меъёрлаш, психологик нуқтаи назардан толиқиш ва бир хил маром билан курашиш ҳамда дам олишни ташкил этиш;

— ўрганиш муаммоси ва меҳнат малакаларининг вужудга келишини бирлаштурувчи касбий танлаш ва ўқитиш психологияси;

— инсон меҳнати психологик хусусиятларининг бошқарувчилик фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнида технологик воситалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш. Бу ўрганишлар асосида мутахассиснинг маҳоратли ишини белгилаш муҳим саналади. Айнан таҳлилий ўрганиш асосида қайси жиҳатлар ишчининг толиқишини кечиктириши, ёки умумий ҳолда толиқмайдиган ҳолатда бўлишини таъминлаши мумкинлигини билган ҳолда мулоқот йўналишини танлаш орқали ишлаб чиқаришда ривожланишга эришиш мумкин.

Меҳнат психологиясида қуйидаги усуллар кўп тарқалган:

1. Сўров усули (анкеталаш, оғзаки суҳбат, интервью)

2. Иш жараёнининг бориши ва ишчининг ишлаш даражаси ишлаб чиқаришга мувофиқлиги, меҳнат натижалари борасида кузатув олиб бориш.

3. Одамнинг меҳнат жараёнидаги ҳолатини баҳолашга йўналтирилган тадқиқот усуллари: а) лаборатория тажрибаси — лабораторияда ишлаб чиқариш фаолиятини моделлаштириш; б) ишлаб чиқариш тажрибаси.


4. Ишлаб чиқариш фаолиятида аҳамиятга эга бўлган (хотира, диққат, фикрлаш ва бошқ.) психологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишнинг психофизиологик тестлар усули.

5. Шахсийликнинг ўзига хослигини баҳолаш усули.

Психологик тадқиқотларда меҳнатга муносабатни аниқлаш мақсадида ишчининг ўзига хос ташвиши, унинг меҳнат шароитларга бўлган муносабати борасида суҳбат олиб бориш жуда катта аҳамиятга эга. Анкета ёрдамида сиртдан суҳбатлашиш усули кенг қўлланилади. Лаборатория тадқиқотлари кўпинча, ўрганилаётган фаолиятнинг (бошқариш пулти, ҳайдовчининг кабинаси ва бошқ.) моделлаштириш тамойили бўйича қурилади. Табиий ёки ишлаб чиқариш тадқиқоти тўғридан-тўғри сеҳда, иш вақтида дастгоҳда,

локомативда, учайотганда ва бошқа ҳолатда, йаъни аниқ ишлаб чиқариш шароитида олиб борилиши меҳнат психологиясининг бир мунча такомиллашган усули ҳисобланади. Психофизиологик тест усули ишлаб чиқаришда банд бўлган шахсининг ўзига хос хотира, диққат, фикрлаш ва бошқа хусусиятларини ўрганишда фойдаланилади.

Бунинг туб моҳиятига етиб бориш учун ишчиларнинг руҳий ва физиологик толиқишларига қатъий эътибор бериш асосида камида бир ҳафталик кузатув олиб борилади. Бундан асосий мақсад – ишнинг бошланиш кунлари билан ҳафтанинг охиридаги кунлардаги меҳнатга муносабатларнинг фаоллигидаги кўрсаткичлар бари бир фарқ қилади. Толиқиш сезилмаслиги мумкин, лекин меҳнат самарадорлигини пасайишини кўриш мумкин.



1-расм: Ишга лаёқатлилиқнинг ҳафта кунларига боғлиқлиги

Меҳнатга муносабатлар кузатувлар асосида ўрганилишида меҳнат хавфсизлиги ҳам ўз ўрнига эгаллиги маълум бўлди. Меҳнат хавфсизлигига куйидаги омиллар таъсир қилади:

Диққат-эътибор—субъект фаолиятининг айна пайтда қайсидир объектда қаратилганлиги (буюм, хомашё, воқеа, муҳокамага ва бошқ .)

Ўзига олиш — сезги абзоларининг рецептор юзаларига физикавий кўзғатувчиларни тўғридан-тўғри таъсир этишида буюмлар, шароит ва

воқеалар яхлитлигининг акс этиши. Сезиш жарёнлари билан таъминлайди, бу фикрлаш, хотиралаш, диққат ва ҳис-туйғу тусига боғлиқдир.

Сезиш—объектив дунёда предметлар хусусиятларининг ифодаланилиши.

Хотира—одам ҳаёт фаолиятида аввал ўтган воқеаларни эслаб қолиш ва ундан қайта фойдаланиш қобилитидир. Эслаб қолиш, сақлаш ва акс еттириш хотира жараёнининг таркибий элементларидир. Хотирада материални сақланилишининг икки асосий тури фарқланади — қисқа муддатли ва узок муддатли хотира. Қисқа муддатли хотира — бу (бир неча сония ёки дақиқа) эндигина ўзлаштирилган материал ёки ҳодисани етарли даражада аниқ қайта тиклаш жараёни. Бундан сўнг ўзлаштиришнинг аниқлиги ва тўлиқлиги одатда кескин ёмонлашади. Узок муддатли хотира материалларни узок вақт кўп марта такрорланганлигидан ва сақланганлигидан вужудга келади.

1- расмда ўқитувчининг ишга лаёқатлилиқ динамикаси келтирилган.

Ишга лаёқат — маълум вақт ичида белгиланган унумдорлик даражасида шахснинг потенциал имконияти бўлиб, максимал, оптимал ва пасайган даражалари фарқланади. Ишга лаёқатлилиқ одамнинг физикавий, ақлий, руҳий, хусусиятлари, малакаси ва соғлигига боғлиқ ҳолда иш фаолияти мобайнида ўзгариб туради.

Ишга лаёқатлилиқнинг руҳий ҳолатга боғланишини ҳам тушунтиришда хотира тарбияси хусусида гапириб ўтиш лозим. Чунки бу усулнинг асосини машқ ташкил этади. Агар ушбу машқни ташкил этиш зарурати туғилса, замонавий уяли алоқалар, Қуёш нурларининг салбий таъсирини албатта айтиб ўтиш жоиз бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.А.Каспаров. Мехнат гигиенаси ва саноат санитарияси. Медицина. Тошкент.1980й
2. Бахриддинов, Н. С., & Мамадалиев, А. Т. (2023). Компьютер хоналари учун ёритиш ва шамоллатишни ҳисоблаш. *Scientific Impulse*, 1(8), 995-1003

3. Мамадалиев, А. Т. (2024). МЕҲНАТНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТОЛИҚИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ. *Экономика и социум*, (3-2 (118)), 680-683
4. Бахриддинов, Н. С., & Мамадалиев, А. Т. (2023). КОМПЬЮТЕР БИЛАН ИШЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ. *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 6(10), 34-43.
5. Бахриддинов Н. С., Мамадалиев, А. Т. (2024). ПАЙВАНДЛАШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ИШЛОВЧИЛАР МЕҲНАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ. *Экономика и социум*, (4 (119))
6. Бахриддинов Н. С., Мамадалиев, А. Т. (2024). МЕХАНИКА ЦЕХЛАРИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. *Экономика и социум*, (4 (119))